УДК 17.022

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ОММАВИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Ф.Х. Юлдашева

Мақолада глобаллашув натижасида оммавий маданиятнинг тарқалиши муаммоси таҳлил этилган. Оммавий маданиятнинг хусусиятлари, тарқалиши, миллий маданиятга таъсири, оммавий маданиятнинг тарқалишида жамоавийлик ва индивидуалликнинг роли, глобал ва оммавий маданиятнинг ўхшаш жиҳатлари ва фарқи ўрганилган. Маданиятнинг глобаллашиб ва оммалашиб бориши миллийлик, ўзига хосликнинг камайиши эвазига амалга ошиши, оммавий маданиятнинг зиддиятли хусусиятлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: *оммавий маданият, миллий маданият, ўртамиёна одам, омма, жамоавийлик, индивидуализм, анъанавийлик.*

В статье анализируются проблема распространения массовой культуры в результате глобализации. Рассматривается особенности и распространение массовой культуры, ее влияние на национальную культуру, роль коллективизма и индивидуализма в распространении массовой культуры, соотношение и отличие глобальной и массовой культуры, глобализация и массовизация культуры за счет ее национальных особенностей, а также противоречивость массовой культуры.

Ключевые слова: *массовая культура, национальная культура, средний человек, масса, коллективизм, индивидуализм, традиционализм.*

Глобаллашув жараёни зиддиятларини кучли ифода этувчи шакл маданий глобаллашувдир. Оммавий маданият тарқалиши глобаллашувнинг натижаси ҳисобланади. Оммавий маданият жамиятнинг барча аъзоларига хос бўлган кундалик маданиятни, асосий кундалик ахлоқий нормаларни, жамият аъзоларининг юриш-туришларини тартибга солиб турувчи бир хил қоидаларни шакллантиришга таъсир кўрсатади. У бир хил нарсаларни қадрлаш, бир хил кишиларни қаҳрамонга айлантириш ва ҳоказо бир хилликларга олиб келади. Демак, у ўзи билан бирга қайд этилган соҳаларга глобаллашув хусусиятларини ҳам олиб киради. Бунинг натижасида оммавий (глобал) маданият томонидан турли миллий маданиятларнинг ўзига хослиги инкор этила бошлайди.

Маданият соҳасида жамоавийлик, оммавийлик ва индивидуалликнинг намоён бўлишини таҳлил этиш муҳим, чунки улар глобаллашув зиддиятларини ўзида кўпроқ акс эттирадиган ҳодисалардир. Жамоавийлик кўпроқ янги маданиятнинг кириб келиши ва унинг омма орасида тезроқ тарқалишига ёрдам беради. Бундай ҳолат оммавий маданиятни тез шаклланиб ва тарқалиб бориши ҳамда миллий маданиятга таъсир этишига сабаб бўлади. Савол туғилиши мумкин: хўш оммавий маданият шаклланса нима бўпти?

Масала шундаки, оммавий маданиятга кўпроқ глобаллилик хусусияти хос бўлиб, у кишиларни бир хиллик моҳиятига эга бўлган маданият элементлари асосида бирлаштиради. Глобаллашув таъсирида жамият аъзоларининг маълум қисмида оломонга тегишли айрим хусусиятлар кузатилиши мумкин. Оломоннинг айрим маданий жиҳатлари бир хил, қадриятлари, идеаллари ва интилишлари ўхшашдир. Маданиятнинг глобаллашиб ва оммалашиб бориши миллийлик, ўзига хосликнинг камайиши эвазига юз беради. Оммавий маданиятнинг зиддиятли хусусиятлари ҳам ана шунда.

Умумий ғоялар, қадриятлар ва маданият элементларини ташувчи субъектлар – индивидлар характеридаги ўзига хосликнинг йўқолиши ва бир хил фикрлаши эвазига ижтимоий-маданий жиҳатдан чекланиб қолган бир хил омма – индивидларнинг хусусиятларини касб этиб борадилар. Иккинчи томондан, кўп хиллиликнинг ёки турли-туманликнинг йўқолиб бориши оммавий маданиятнинг янада кенгроқ тарқалишига имкон яратади. Бундай ҳолат

индивиднинг мустақил фикрлаши, қадриятли танловни мустақил амалга ошириши камайиб, кўр-кўрона бошқаларга эргашиш каби ҳаракатлари доирасининг кенгайиб боришига таъсир этади.

Шарқнинг буюк тарихчиси, социологи ва файласуф мутафаккири ибн Халдун цивилизация (шаҳар ҳаёти) ҳақида ёзиб, унинг қулайлиги ва бойлиги таъсирида кишиларнинг ахлоқий қоидалари ўзгаради, улар тобора ўзи учун муҳим ва фойдали нарсаларни танлаб олиш хусусиятини йўқотиб боради, зарарли нарсалардан ўзларини ҳимоя эта олмай қоладилар, деб кўрсатиб ўтган эди. Унинг фикрича, цивилизациянинг салбий кўникмалари ва уларга бўйсуниш кишилар эътиқодининг йўқолиб боришига олиб келади [1. Б. 352].

Глобал маданият ва оммавий маданиятнинг ўхшашлиги ҳақида сўз юритилганда шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, глобал маданият айнан оммавий маданиятнинг ўзи эмас. Табиий йўл билан субъектларнинг сунъий аралашувисиз объектив кечаётган глобаллашув натижасида шаклланаётган глобал маданиятнинг моҳияти юқорида тавсифланган омма-вий маданиятдан фарқ қилади. Глобал маданият турли мамлакатлар ва миллатлар маданиятларининг ўзаро мулоқоти натижасида ва синтези асосида туғилган янги сифатдаги бой маданиятдир. Бундай сифатдаги маданият барча миллатларнинг ҳам тараққиётига ва маданиятининг бойишига хизмат қилади. Глобал маданиятнинг таъсирида янги ахборот ва билимларнинг кириб келиши миллий маданиятнинг ўзгариши билан бирга унинг тараққий этиши ва янгиликларга мослашиши имкониларини ҳам кенгайтиради. Табиий йўл билан жамиятнинг тарихий тараққиёти давомида шаклланган глобал маданият ана шундай прогрессив хусусиятга эга.

Глобал маданиятни бошқаришга ва ўзгартиришга ҳаракат қилаётган айрим субъектларнинг ўз мақсадлари ва манфаатлари йўлидаги фаолияти кўп ҳолларда унинг табиий тараққиёти издан чиқишига олиб келади. Ғарб маданияти таъсирида кириб келаётган оммавий маданият Ғарбнинг бошқа халқларнинг тараққиётига хизмат қилувчи прогрессив маданиятининг ҳам кириб келишини чеклаб қўяди. Чунки кўпчилик томонидан қабул қилинаётган оммавий глобал маданиятни ҳақиқий Ғарб маданияти сифатида қабул қилиниш жараёни амалга ошиб боради. Кишилар эса доим ҳам оммавий маданиятни моҳияти юксак ва мураккаб бўлган Ғарб маданиятидан ажратиб олишга қодир эмаслар. Демак, Ғарб оммавий маданияти ҳақиқий маданият моҳиятига эга бўлган Ғарб маданиятининг тарқалиши ва бошқалар томонидан уни англаб етишига ҳам зарар келтирар экан. Бугунги кунда телевидение ва турли йўллар билан кириб келаётган савияси паст бўлган санъат маҳсулотларини бунга мисол қилиш мумкин.

Оммавий маданият кундалик турмуш тарзида кўпроқ қулайликни, осон қабул қилинувчи енгил санъатни, замонавийликни тарғиб этиш моҳиятига эга. Инсон психологияси кундалик ва шахсий ҳаётида қулайликка, гўзалликка мойил бўлганлиги сабабли ҳам бундай маданиятнинг таъсирига тез тушади. Бу нарсалар, айниқса, ёшларни ўзига жалб этади. Оммавий маданият инсондан кучли рационализм, чуқур мушоҳада, қадриятли ориентация, аксиологик танлов кабиларни талаб этмайди. У, асосан, онг ва билишнинг эмпирик (қуйи) даражаси билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳам “осон”, “ҳаммабоп” ва барча қабул қила олиши мумкин бўлган “енгил” маданият ҳисобланади.

Бундай осонлик ва ҳаммабоплик шахс онгида ҳамма қатори бўлишга интилишни, осон ва оддий маданиятга мойилликни кучайтиради. Бунинг натижаси аниқ: “ўртамиёна инсон” шаклланади. “Ўртамиёна инсон” ким? Бундай инсон ўзига хос ёки кучли интеллектуал салоҳияти, ўзгачалиги, бошқача фикрлаши, алоҳида ёндашуви билан ажралиб турмайди. “Хўш, бундай инсонларнинг шаклланиши жамият учун зарарлими?” деган савол туғилади. Бир қарашда бу савол жуда оддийдек туюлади. Лекин чуқурроқ мулоҳаза юритилса шу нарса маълум бўладики, ўртачалик хусусияти аста-секин бефарқликка ўтиб бориши ҳам мумкин. Бундай бефарқлик эса шахснинг кириб келаётган янгиликларга нисбатан ҳам бефарқ муносабатда бўлишига, глобаллашув олиб келаётган маданиятни мулоҳаза қилмасдан, таҳлил этмасдан қабул қилишига ҳамда хатти-ҳаракатларида ўзига хослик ва мустақилликнинг камайиб боришига олиб келади. Оммавий маданият таъсирида пайдо бўлган одатлар ва кўникмалар эса кўп ҳолларда шахснинг маънавияти, қобилияти ва дунёқарашини белгилаб боради.

Глобал маданиятнинг миллий маданиятимиз ва маънавиятимизга зид бўлган томонларини ва уларни “ўртамиёна инсон” томонидан ўзлаштирилиб, кенг тарқалаётганига эътиборни қаратсак, бундай инсоннинг жамият учун

мутлақо зарарсиз эмаслигини англаб етамиз. Ана шундай ўртамиёна, омма-инсонлар орасида глобал маданият билан бир қаторда европача, туркча ва бошқа урф-одатлар, кундалик ахлоқий қоидалар ҳатто турли миссионерлар ва даъватчиларнинг фаолияти натижасида кириб келадиган ғояларнинг ҳам тарқалиши осон бўлади.

Оммавийлик ўз моҳиятига кўра Поппер томонидан тавсифланган очиқ жамият тушунчасига яқин туради. Очиқ жамият – бир томонлама жамият. Очиқ жамиятда унинг тараққиётининг айрим даврларида зарур бўлган “ёпиқлик” етишмайди. Бундай очиқликни очиқ тизим сифатида ҳам талқин этиш мумкин. Бундай тизимнинг очиқлик даражаси жамиятда глобаллашувнинг бу тизимларга тарқалиб бориши даражасини белгилайди. Очиқ тизимнинг элементлари эса турлича: прогрессив, регрессив ёки консерватив бўлиши мумкин. Очиқлик (у очиқ бўлганлиги сабабли ҳам) бир вақтнинг ўзида беқарорлик ҳамдир. Бундай очиқлик бошқа жамиятлар учун шунчаки хавфли бўлса, жамоавийлик хусусияти кучли бўлган жамиятлар учун икки карра хавфли. Чунки ҳар қандай жамоавийлик оммавийликнинг тарқалишида кўпроқ ижобий роль ўйнаши мумкин. Жамоавийликдан оммавийликка ўтиш (янгиликнинг тарқалиши нуқтаи назаридан) индивидуалликдан оммавийликка ўтишдан кўра осонроқ.

Юқорида айтилган фикрлардан оммавий маданият ўзида салбий потенциалнигина олиб келади, деган хулоса чиқмаслиги керак. Оммавий маданиятнинг ҳам ўзига хос аҳамияти бор. Масалан, миллатнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган тил, фольклор, халқ оғзаки ижоди, оммавий санъатнинг айрим шакллари кабилар оммавий маданият доирасида ривожланади ва тез тарқалади.

Омма орасида глобал маданият ижобий унсурларининг тарқалиши учун имкониятлар кенгроқлиги сабабли унинг тарқалиш жараёни тезроқ кечади. Бу ҳақда психоаналитик З.Фрейд омманинг ўзига хос қалби мавжудлигини айтиб, бу қалб оммага қўшилган индивидларни ўзини қандайдир бошқача тутишига таъсир этишини таъкидлайди. Фрейднинг фикрича, омма орасида индивиднинг ўзига хослиги йўқолиб кетади ва ўзини кучли ҳисоблайди. Бу маънода омма индивидни жуда тез ўзига оғдиради, унга таъсир қила олади, “заҳарлайди”. Индивид бундай ҳолда ўзининг манфаатларини ҳам омма учун қурбон қилади. Буларнинг оқибатида индивиднинг онглилик даражаси сусаяди. У гипноз ҳолатига тушгандек бўлади. Фрейднинг айтишича, омма қалби юксак маънавий ижодга қодир. Бу нарса, айниқса, тил, халқ қўшиқлари ва бошқаларда кўринади [2; 3. Б. 283].

Оммавий маданиятнинг хавфли томони шундаки, у оммавий бўлганлиги учун ҳам миллий маданиятга нисбатан кўпроқ таъсир кучига эга. Бунинг сабаби оммавий маданиятнинг унсурлари билан инсон кундалик ҳаётида ҳар куни ва деярли ҳар дақиқада тўқнашуви билан ҳамда оммавий маданиятни қабул қилиш осонлиги билан боғлиқ. Миллий маданиятдан кўра оммавий маданиятни тарқатиш воситалари ва йўллари ҳам кўпроқ. Бунинг устига унинг “осонлиги”, яъни инсондан ортиқча мушоҳада ва рационализм талаб қилмаслиги ҳам бундай маданиятни инсон онгидан, тўғрироғи, психологиясидан тезроқ ва кенгроқ ўрин олишига имкон яратади.

Хосе Ортега-и-Гассетнинг сўзлари билан айтадиган бўлсак, ҳозирги замон тарихининг хусусиятларидан бири шундаки, унинг саҳнасида кўпроқ халқлар эмас, омма роль ўйнамоқда [4. Б. 41]. Омма онги эса кўпроқ глобаллик хусусиятига эга бўлган онгдир. Демак, оммавий маданиятнинг акс этиши кўпроқ глобал онг орқали амалга ошади. Глобал онгга оммавийлик хусусияти хос. Шу сабабли ҳам у кўп жиҳатдан англанмаган онг, инерция натижасида кўпчиликка эргашувчи онгдир.

Психология нуқтаи назаридан кириб келаётган оммавий маданият дастлаб салбий, деб қабул қилинган, аниқроғи жамиятнинг “фильтридан” ўтмаган бўлиши мумкин. Лекин кундалик турмуш тарзида кишилар хатти-ҳаракатларининг мунтазам такрорланиши сабабли оммавий маданият унсурларининг маълум мавжудлик тамойиллари юзага келиши табиий. Натижада жамиятнинг ижтимоий онги ҳам оммавий маданиятнинг тарқала бошлаган унсурларини оддий ҳодиса сифатида қабул қила бошлайди. Энди улар кўпчиликнинг кўзида оқланиб, оммавий маданият тизимидан мустаҳкам ўрин эгаллаб боради.

Демак, оммавий маданият ҳақиқий маданий яқинликка олиб келмайди. Бошқа маданиятнинг айрим (баъзан салбий моҳиятга эга бўлган) унсурларинигина олиб келади. Бунга мисол тариқасида ҳозирда кенг тарқалаётган кафе ва ресторанларда меҳмон кутиш, ўзбек тўйларида урфга айланаётган, кўпчиликка ёқмаётган мушак отиш, фейерверклар ёқиш,

ўзбек келинларининг европаликларга тақлид қилиб дугоналарига қараб гул отиши, ғарбча рақсга тушиши кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари ёшлар ўртасида турли байрамлар, мактаб битирув кечаларини, туғилган кунларни ресторан ва кафеларда нишонлаш каби одатларнинг (маданият эмас!) кенг тарқалиб, оддий ҳолга айланиб қолгани ҳам фикримизга далил бўла олади. Айтиш мумкинки, тобора турмушимизга кириб келаётган бундай ғарбона урф-одатлар ҳозирча миллий маданият унсурига айланмаган, лекин маълум вақт ўтиб улар маданият унсурига айланиб кетиши мумкин. Масалан, меҳмон кутиш билан боғлиқ бўлган одатларнинг ўзгариб бориши ўзбек миллий маданиятига хос бўлган меҳмондўстлик моҳиятини ҳам ўзгартириб юбориши табиий.

Оммавий маданият ҳозирда кўпроқ америкача маданият сифатида талқин этилмоқда. Маълумки, америкача маданият ўзининг чуқур миллий илдизлари ёки миллийлик хусусияти билан ажралиб турмайди. Шу сабабли ҳам унда “қайси миллатга мансубсан?” саволи кам учрайди. Унинг ўрнига “Америка фуқароси” ёки “америкалик”, “европалик киши”, “Шарқ кишиси” тушунчалари кўпроқ қўлланилади.

Демак, ҳозирги кунда инсон оммавий маданиятнинг узлуксиз таъсири остида бўлмоқда. Бундай ҳолат оммавий маданият таъсирига учраётган шахс учун миллий маданият аҳамиятининг, миллийлик хусусиятининг ҳам камайиб боришига сабаб бўлиши мумкин. Чунки илдизлари қанчалик кучли ва чуқур бўлмасин, ҳар қандай миллий маданият ҳам вақт ўтиши билан, бир томондан, бошқа маданиятлар ва модернизация таъсирида, иккинчи томондан, оммавий маданият таъсирида ўз хусусиятларини ўзгартириб боради. Ташқаридан келаётган ҳар бир таъсирдан кейин маҳаллий маданият “ўзини ўнглаб” олиши муҳимдир. Бунинг учун маҳаллий маданиятни ҳимоя қилувчи ички потенциали мавжуд бўлсагина бундай таъсирга камроқ дуч келади. Бундай потенциалнинг йўқлиги ёки камайиб бориши миллий маданиятнинг ўзини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш қобилиятининг камайишига олиб келади. Бундай жараён тобора миллий хусусиятини йўқотиб бораётган шахсда миллий идентификация даражасининг пасайиб боришига сабаб бўлади ва дастлаб конкрет миллат вакили – шахснинг ва кейинроқ, бундай шахсларнинг кўпайиб бориши оқибатида, миллатнинг этномавқеини хавф остига қўяди.

Тўғри, ўзининг ички мавжудлик қонунларига эга бўлган барча тизимлар сингари миллий маданият ҳам мустаҳкам ва барқарор тизимдан иборат. Ушбу тизим ташқи таъсирни қайта ишлаб берувчи ўзининг махсус механизмларига эга бўлиб, улар маданиятга қандайдир ички мутаносибликни сақлаб қолиш ва шу орқали тизимнинг барқарорлигини таъминлашга имкон беради ва йўқолиб кетишининг олдини олади. Шундай бўлса-да, ҳар бир бундай таъсир ва “қайта ишлаш” секин-аста мазкур маданиятда “из қолдиради” ва жамиятни ўзгартириб боради. Бундай жараён ушбу соҳада позитив кучлар негатив кучларга нисбатан устун бўлгунга қадар давом этади [5. Б. 204].

Маълумки, ҳар қандай миллий маданиятга рационализм хос бўлиб, бундай хусусият шахсга воқелик, унинг тараққиёти ва кириб келаётган янгиликни ўз дунёқараши ва шахсий ёндашувларидан келиб чиққан ҳолда ақл ва тафаккур орқали қабул қилишга ёрдам беради. Бу нуқтаи назардан К.Ясперс ўзи яшаган Ғарб тарихи ҳақида гапириб, унга ҳеч нарса тўхтатиб қола олмайдиган рационализм хослигини, бу Ғарб маданиятининг асосий белгиси эканини айтиб ўтган эди. Ғарб маданиятига, Ясперс айтганидек, рационализм хос бўлса, Шарқ маданияти кўпроқ ўзининг маънавий асосга эга эканлиги билан тавсифланади.

Оммавий маданиятнинг ривожланиши ва тарқалиши натижасида маданиятнинг рационалистик хусусиятлари камаяди, атроф-муҳит, дунёни қабул қилиш онгли англаш асосида эмас, кўпроқ ҳис-туйғу, кўникма ва интуицияга асосланиб боради. Бунинг натижасида шахс психологиясида кўпчилик орқасидан индамай эргашиш ва бефарқлик каби хусусиятлар пайдо бўлиши мумкин. Албатта, ҳар қандай маданиятнинг шаклланишида ҳис-туйғу катта аҳамиятга эга (айниқса, санъат соҳасида), лекин маданиятнинг бу томони фақат рационализм билан диалектик алоқадорликка киргандагина у катта тараққиётга эришиши мумкин.

Маданият соҳасида ва жамиятнинг ижтимоий онгида рационализмга хос жиҳатларнинг камайиб кетиши жамиятнинг оммавийлашиб боришига таъсир кўрсатиб, унинг аъзосини омманинг бир элементига айлантириб қўяди. Барча жиҳатлари бир хиллашиб бораётган бундай муҳитда эса яхшими ёки ёмонми, ижобийми ёки салбийми, интеллектуаллик даражаси оддийми ёки мураккабми – ғояларнинг

тарқалиши ҳам осон кечади. Бундай шароитда омма плюрализмга, толерантликка интилади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, оммавий маданиятнинг тарқалиши кўпроқ тафаккурнинг ва ижтимоий онгнинг кишилар кундалик ҳаётига тегишли жиҳатлари билан боғлиқ. Чунки дастлаб ғайритабиий туюлган айрим маданий ва ахлоқий элементлар аста-секин оддий кўникмаларга айланиб, ҳатто кўпчиликнинг кўзида ўзини оқлаб боради. Албатта, бу жараён миллий маданият учун маълум маънода салбий оқибатга эга бўлиши мумкин. Чунки тобора омманинг бир элементига айланиб бораётган жамият аъзосининг онгида рационализмдан кўра кўпроқ эмпиризм ва сенсуализм асосий аҳамиятга эга бўлиб боради. Шунга яқин фикрни З.Фрейд ҳам эътироф этади ва бу ҳодисанинг хавфли томонига эътибор қаратади. З.Фрейднинг сўзлари билан айтганда, бундай шароитда инсоннинг интеллектуал қобилияти пасаяди, унинг онгида онгсизлик олдинга чиқиб, у ўзини иродасиз ва ихтиёрсиз автомат сифатида тута бошлайди [3].

Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси бўлган Акио Кавитанинг кириб келаётган ғарбча маданиятни қандай қабул қилиш ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир. Япониянинг бу соҳадаги тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон учун ҳам аҳамиятдан ҳоли эмас: “Фуқаролик жамияти барпо этишда ҳар бир халқ ўз йўлидан бориши лозим. Эслаш зарурки, япон жамиятида турли маданий ҳодисалар стихияли равишда рўй берган. Биз жамиятни саноатлаштиришни бундан 155 йил олдин бошлаганмиз. Ўшанда биз, масалан, Хитойдан фарқли ҳолда, кўп нарсаларни бузиб ташлаганмиз. Мактабларда Ғарбий оврўпача мусиқа ҳеч қандай миллий анъаналарга таянмасдан ўқитила бошлаган. Ўшанда биз анъанавий кабуки ва бошқа театрларимиз энди эскирди деб, ғарбона маданият намуналари ва усулларини фаол ўзлаштиришга киришган эдик.

Ўша вақтда кўп ҳодисалар стихияли тарзда юз берган албатта. Турли сиёсатчилар, шарҳловчи ва сиёсатшунослар ғарб маданиятини бундай зўрма-зўраки импорт қилишга қарши чиққан. Аммо уларнинг гапига ҳеч ким қулоқ солмаган ва жамият ўз йўлида давом этган. Менимча, ҳар қандай жамият ҳаётидаги маданий ўзгаришларга қандайдир сунъий таъсир кўрсатишга уриниш ўзини оқламайди” [7. Б. 8].

Маданият соҳасига алоқадор бўлган билиш жараёнида рационализм камайиб кетишининг олдини олишнинг йўли билишнинг фақат эмпирик даражаси билангина чекланиб қолмасдан, унинг назарий даражасига ҳам кўтарилишдан иборат. Лекин бу нарса маданият ва маънавият, санъат соҳасида ҳис-туйғунинг ролини камайтириш, дегани эмас. Чунки бу соҳада ҳис-туйғунинг аҳамияти чексиз ва у, айниқса, оммавий маданият ва санъат соҳасида асосий бўлиши ҳам мумкин. Аммо маданиятнинг миллий маънавият ва дунёқарашнинг шаклланишига таъсири нуқтаи назаридан рационаллик, мушоҳада, таҳлил кабилар асосий рол ўйнайди.

Ҳар қандай маданият ўзи яшаётган тарихий даврнинг хусусиятларини ўзида акс эттиради. Ҳозирги давр маданиятининг моҳияти эса глобаллашув жараёнининг хусусиятларини ўзига сингдириб ва акс эттириб бораётганлиги билан белгиланмоқда. Бундай маданий тараққиётнинг кечиши унга турли субъектларнинг аралашуви натижасида баъзан ўзининг табиий тараққиётидан четланаётганлиги ва кўп ҳолларда оммавий маданият ва индивидуализм томонига мажбуран оғиб кетаётганлиги билан характерланади.

Глобаллашув билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда жамоавийлик, оммавийлик ва индивидуаллик масаласини таҳлил этиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бир қатор фанлар, жумладан, фалсафа ва социология фанларида жамоавийлик ва индивидуаллик бугунги жамият тарихининг бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил хусусияти сифатида талқин этилади. Ҳар қандай якка ҳолда олинган жамиятда жамоавийлик, оммавийлик ёки индивидуаллик хусусиятлари намоён бўлади. Албатта, бу хусусиятлар кўп ҳолларда бир-бири билан боғлиқ ва алоқадор тарзда намоён бўлиши мумкин. Бундан ташқари тарихий жараённинг ҳар бир даври маълум маънода уларни ўзига хос тарзда акс эттиради.

Жамоавийлик жамиятда якка ҳолда олинган шахсга нисбатан кўпчиликнинг фикри асосийлигини ва бундай фикрга бошқалар қўшилиши зарурлигини тақозо этади. Бундай кўпчилик, яъни жамоани миллат, синф, гуруҳ, ташкилотлар, партия, меҳнат жамоалари ва ҳоказолар ташкил этиши мумкин. Индивидуаллик алоҳида шахснинг ўзига хос жиҳатлари: онги, психологияси, турмуш тарзи, маданияти, шахсий қарашлари билан боғлиқ бўлган хусусиятларини ифода этади. Бу хусусиятлар шахснинг эркинлигини, ўзи-

нинг маълум қадриятлар тизимига, мустақил хатти-ҳаракатларига, ҳаётий тамойилларига эга бўлиши ва ушбу қадриятлар тизими жамиятникидан фарқ қилиши мумкинлигини англатади.

Шахснинг моҳияти, ўзгалардан фарқ қилувчи бошқачалиги унинг индивидуаллиги билан белгиланади. Ушбу тушунчаларга қандай маъно бериб қўллаш тадқиқотчининг олдида турган вазифа билан боғлиқ. Чунки баъзан “жамоавийлик” тушунчаси ҳам ижобий, ҳам салбий маънода биргаликда амалга оширилиши керак бўлган бирор бир ҳаракат ёки вазифани англатиши, баъзан маълум гуруҳ томонидан қабул қилинган биргаликда амалга ошириладиган фаолият тарзида қўлланилиши ҳам мумкин. Аммо, таъкидлаб ўтиш керакки, масалан “жамоавийлик” тушунчаси айрим маданиятлар учун салбий маъно касб этиши мумкин. Бу ҳолат мазкур жамият маданиятининг ўзига хослиги, яъни ушбу ҳодисаларга муносабати билан боғлиқ. Ушбу тушунчаларни жамият билан боғлиқ ҳолда “жамоавийликка асосланган жамият” ёки “индивидуализмга асосланган жамият” маъносида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

“Жамоа” – биргаликда кечириладиган ҳаётни ифода этади, “индивидуаллик” – алоҳида яшаш маъносида қўлланилади. “Коллективизм” ана шу жамоавийликни, “индивидуализм” эса, аксинча, якка шахснинг хатти-ҳаракатларини, яъни индивидуалликни ёқлаб чиқувчи ёндашувларни акс эттирувчи тушунчалардир. Жамоавийлик ва индивидуалликни бир-бирига қарама-қарши қўйиш нотўғри. Индивидуаллик жамоавийликка қарши бўлган ҳодиса дегани эмас. Қайд этилган тушунчалар ҳозирги даврга келиб кенг қўлланилмоқда. Айниқса, глобаллашув муаммоси билан боғлиқ ҳолда ушбу тушунчаларга баъзан ижобий ва баъзан салбий маъно берилган ҳолда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жамоавийлик ва индивидуаллик тарихнинг барча босқичларида, турли жамият ва турли шароитларда ўзига хос тарзда баъзан ижобий ва баъзан салбий маъно касб этади. Бу нарса жамиятнинг, даврнинг моҳиятидан ва ушбу ҳодисаларга муносабатидан келиб чиқади. Мамлакатимиз ва миллатимиз тарихида жамоавийлик катта аҳамиятга эга бўлган ҳодиса сифатида миллий маънавиятимизнинг хусусиятларидан бирига ва менталитетига айланган. Шарқ мамлакатларида индивидуал ўзига хосликлар, мақсад ва манфаатлар жамоавийликка нисбатан иккинчи даражали ҳисобланган ва жамоавийликка бўйсунган. Жамият, давлат, жамоа ва оиланинг манфаатлари доим олдинга қўйилган. Шахснинг ўзини реализация қилиш, ижодий фаолият олиб бориш ва янгиликлар яратиш имкониятлари жамоанинг ичида нисбатан чекланган бўлган. Бу ҳолат қисман жамият тараққиёти ва, айниқса, глобаллашувнинг таъсирида ўзгаришларга учраган бўлса-да, ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Миллий маданият ва маънавият доирасида олиб қаралганда, жамоавийлик янги маданиятнинг ва умуман янгиликнинг кириб келишига маълум маънода тўсиқ бўлади. Чунки жамоавийлик асосида анъанавийлик кучли сақланади. Лекин, шу билан бирга, жамоавийликка асосланган муҳитда янгилик кириб олганидан сўнг тез тарқалади, унинг ёйилиши ва мазкур жамоа ичида оммалашуви тез боради. Янгиликнинг руҳи индивидуал онгга нисбатан жамоа онгини ўз таъсирига олиши осонроқ бўлади. Жамоа онгида кўпчиликнинг фикри муҳимлиги сабабли янги ғояларга кўпчилик қатори эргашиш ва бунинг натижасида инерция кучлироқ намоён бўлади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, жамоавийлик хусусиятига эга бўлган жамиятда оммавий маданиятнинг кириб келиши ва шаклланиши ҳам тезроқ кечади, деб хулоса қилиш мумкин. Бунинг жамият учун қандай аҳамиятга эга эканлиги жамият олдида турган вазифаларнинг моҳиятига боғлиқ. Чунки айрим тарихий даврларда, масалан, душманга қарши бирлашиш ва уруш олиб бориш, мамлакат олдида турган моддий соҳа билан боғлиқ бўлган бирон-бир вазифани бажариш зарурати туғилганда, жамоавийлик хусусияти улкан аҳамият касб этиши мумкин. Бунга иккинчи жаҳон уруши даврида собиқ совет халқининг фашизмга қарши биргаликда олиб борган кураши, 1939 йилда 45 кун давомида Андижонда Фарғона каналининг қазиб битказилиши, зарурият туғилганда, турли табиий офатларга қарши курашларда биргаликда олиб борилган ҳаракатлар жамоавийликнинг моҳиятини ҳамда аҳамиятини кўрсатади.

Жамоавийлик баъзан салбий хусусиятга ҳам эга бўлиши мумкин. Чунки айрим субъектлар, етакчилар жамиятнинг жамоавийлик хусусиятини ўзларининг шахсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда суиистеъмол қилишлари ва жамоани ўзларига эргаштириб кетишлари мумкин. Бундай ҳолат кўпроқ ўзларининг

сиёсий мақсадлари асосида маънавиятимизга зид бўлган турли экстремистик ва террористик ғояларни тарқатмоқчи бўлган шахсларга қўл келади. Улар жамоанинг ўзаро боғланганлик, жамоа аъзоларининг бир-бирига эргашиши ва ўзаро таъсирининг кучлилиги каби хусусиятларидан усталик билан фойдаланадилар. Жамоавийликнинг ана шундай томонлари баъзан салбий оқибатларга олиб келади.

Инсоният тарихига назар солсак, унинг асосий даври жамоавийликка асосланган жамият тарихидан иборат эканлигини англаймиз. Юқорида айтиб ўтилганидек, Шарқ мамлакатлари тарихида ҳам жамоавийлик руҳи кучли бўлган. Бу ҳолат халқимизнинг менталитетида ва маданиятида ҳам акс этган. Ислом динида ҳам жамоавийлик кенг тарғиб қилинади ва улуғланади. Масалан, жамоа бўлиб биргаликда мачитда ўқилган намознинг савоби якка ҳолда ўқилган намознинг савобидан кўпроқ саналади. Миллий маданиятимизда ҳам жамоанинг биргаликдаги фаолияти, жумладан, ҳашарлар, турли маросимларни ўтказиш, маҳалладаги турли тадбирларни амалга оширишда ва умуман жамиятимиз ва миллатимизнинг ҳаётида, кишиларнинг ўзаро муносабатларида ҳам жамоавийлик кенг акс этади.

Жамоавийлик ва индивидуаллик бир-бири билан доим алоқада намоён бўлади. Чунки ҳар қандай жамоавийлик турли индивидуалликларни бирлаштиради, уларнинг асосида ташкил топади ва уларнинг барча хусусиятларини ўз ичига олади. Индивидуаллик жамоавийликнинг мавжуд бўлишини ва ўзининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда моҳиятини белгилайди. Аммо, шу билан бирга, жамоавийлик индивидуалликка хос бўлган барча хусусиятларни акс эттирмайди. Чунки ҳар қандай жамоавийлик индивидуалликнинг ўзгартирувчи, белгиловчи ва акс эттирувчи хусусиятлари камайиб боришига сабаб бўлади.

Демак, бир томондан, жамоавийлик индивидуалликни инкор этувчи ва унга маълум маънода қарши чиқувчи ҳодиса, иккинчи томондан, индивидуалликка боғлиқ бўлган ва унингсиз мавжуд бўла олмайдиган ҳодисадир. Бу икки объектив ҳодиса бир вақтнинг ўзида бир-бирини рад этувчи ва бир-бирининг мавжудлигини тақозо этувчи диалектик хусусиятга эга ва шу сабабли ҳам ўзаро алоқадорликда мавжуд бўлади. Жамоавийлик бир вақтнинг ўзида (у турли индивидуалликлардан тузилганлиги учун) индивидуаллик ҳамдир. Жамоавийликка традиционализм хос, индивидуализм эса кўпроқ модернизмга яқинроқ.

Шаклий жиҳатидан жамоавийликка оммавийлик яқинроқ, лекин мазмунан катта фарқ қилади. Омма ҳам маълум маънода улкан жамоа. Оммавийлик оммавий маданиятни, масалан, мода, кундалик турмуш тарзидаги янгича ахлоқий қоидалар, урф-одатлар, оммавий санъат ва шу кабиларни тез қабул қила олиш хусусияти билан характерланади.

Жамоавийлик ва индивидуаллик ҳодисасини глобаллашув жараёни билан боғлиқликда ўрганиш катта аҳамиятга эга. Глобаллашув ўзида жамоавийликни, индивидуалликни, оммавийликни ҳам намоён этади ва шу билан бирга уларнинг моҳиятини ҳам ўзгартириб юборади. Натижада бу ҳодисалар ўзгача хусусиятлар касб эта бошлайди. Ушбу ҳодисалар моҳиятининг ўзгариши уларнинг жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиши, баъзан эса бир-бирига зид бўлган ролларни ўйнашларига сабаб бўлади. Бу ҳолат, айниқса, маданият соҳасида яққол намоён бўлади.

Маданият ва ўзга маданиятни қабул қилиш соҳасида сунъий тарзда бу жараённи тезлаштириш ёки унга мажбуран тўсиқ бўлишга интилиш ярамайди. Чунки, хоҳлаймизмийўқми, бу жараён амалга ошади. Уни тўхтатиб бўлмайди. Лекин унга индамай қараб туриб ҳам бўлмайди. Демак, бу жараённинг салбий жиҳатларини чеклашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳимояланиш механизмини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Оммавий маданиятнинг кириб келиши қандай амалга ошади, деган саволга жавоб бериш зарур. Бу жараён қуйидаги ҳолда кириб келиши мумкин: истеъмол молларининг тарқалиши; замонавий санъат шакллари: оммавий ахборот воситалари орқали; фан ва техника тараққиёти натижасида. Демак, мазкур соҳаларни замон талаблари асосида тараққий эттириш, уларнинг рақобатбардошлик хусусиятлари тараққиётга мос равишда ортиб боришини таъминлашга қаратилган механизмни ишлаб чиқиш асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, оммавий маданиятнинг кириб келишида ҳали ўзини оқлаб улгурмаган инновацияларнинг тарқалиши ҳам маълум роль ўйнайди. Янгича қадриятлар элементларининг ҳам тарқалишига олиб келади. Уларнинг асосида “...ёшларда инновацион онгнинг шаклланиши бу жараённи янада

тезлатиши мумкин. Ёшларда инновацион онгнинг шаклланиши жараёнида уларнинг янгиликка интилувчанлиги, фаолиятида зудлик билан натижага эга бўлиш (“ҳозир ва шу ерда”) ва янгиликларни қўллашга интилишлари, нисбатан бесабрлиги, прагматизмга мойиллиги, уларнинг онгида индивидуализмнинг кучлилиги, янги ахборот технологиялари, Интернет билан ўта қизиқишлари ... креативлик, изланиш, янгиликка интилиш, альтернатив ёндашув каби хусусиятларнинг улар учун илғор қадриятларга айланишига ёрдам беради” [6. Б. 38].

Демократия маҳаллий миллат менталитети, хусусиятлари, тарихий маданиятини ҳисобга олган ҳолда тарқалгандагина прогрессив тараққиётга эришиш мумкин. Кўр-кўрона кўчириб олиб келинган демократия миллий манфаатларни тўла ифода этмайди. Ўзбекистонга нисбатан олинганда эса миллий маънавият билан қўшилган ва унга асосланган, миллий маънавий қадриятлар, тарихий анъанавий маданият билан уйғунлашган демократия мамлакатимизнинг прогрессив тараққиётига хизмат қилади. Маънавиятнинг илдизлари демократиядан кўра чуқурроқ ва тарихийроқ. Маънавиятсиз демократия амалга ошмайди.

Оммавий маданиятнинг таъсири ва потенциали, бизнингча, чекланган. Унинг рационаллик асоси миллий маданиятникига қараганда анча паст. Шунга кўра ижтимоий онг ва шахсий онг фақат оммавий маданиятгагина асосланмайди. Жамият бу соҳада маълум чегараларга етгандан сўнг барибир ўзининг асосларига қайтади. Бу ерда яна Акио Каватанинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли бўлади: миллий маданиятни сақлаб қолишда қандайдир сунъийликка йўл қўймаслик, жараённи онгли ва ихтиёрий асосда амалга ошириш зарур. Одатда, ёшлар ҳам муайян иқтисодий даражага эришганидан сўнг маданий илдизларига қайтади. Япон ёшлари ҳозирда ўз маданий илдизлари билан қизиқмоқда [7].

Ўзбек миллий маданияти ва унинг ташувчилари, айниқса, ўзбек ёшлари ўз миллийлигидан узоқлашиб, маданий-маънавий қадриятларни бутунлай унутиб юборади, деган фикрлар ҳамда булардан ўта хавфсираш унчалик тўғри бўлмаса керак.

Адабиётлар:

1. Очерки истории арабской культуры V–XV вв. / Отв.ред. О.Г.Большаков. – Москва: Наука, 1982. – 440 с.
2. *Лебон Г*. Психология народов и масс. – Санкт-Петербург: Макет, 1995. – 313 с.
3. *Фрейд З.* Массовая психология и анализ человеческого “Я” // В кн.: По ту сторону принципа удовольствия. – Москва: Прогресс, 1992. – С. 256–325.
4. *Ортега-и-Гассет Х*. Восстание масс // В кн.: Эстетика. Философия культуры. – Москва: Искусство, 1991. – 588 с.
5. Философия и культура: XVII Всемирный философский конгресс: проблемы, дискуссии, суждения. – Москва: Наука, 1987. – 335 с.
6. *Yuldasheva F*. Modernizatsiyaning falsafiy jihatlari [Internet manba]. URL: https://www.ilmiy-xabarnoma.uz/article/338109498910/abstract. (Murojaat etilgan sana: 05.05.2022)
7. Японларни ҳамма билади. Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Акио Кавата билан суҳбат // Тафаккур, 2004. С.Азизов суҳбатлашди. – № 3. –Б. 34–45.
8. *Ивин А.А.* Философия истории – Москва: Гардарики, 2000. – 528 с.
9. *Aminova M., Rozigulova M*. Globallashuv asoslari. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2016. – 185 b.
10. *Яценко М.П*. Глобализация как форма организации исторического процесса: сущность и проблемы. // Профессиональное образование в современном мире, 2011. – № 1. – С. 54–59.

GLOBALIZATION AND THE SPREAD OF MASS CULTURE

F.K. Yuldasheva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 5 (65). 5-13.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: mass culture, national culture, Jose Ortega y Gasset, average person, crowd, collectivism, individualism, traditionalism.

One of the contradictions of the globalization process is the spread of popular culture . Popular culture affects the formation of everyday culture, basic daily moral norms, common rules that regulate the behavior of society members. He worships the same things, values the same things, makes the same people heroes, etc. it brings homogeneity, which means globalization. Popular culture is characterized by a more global nature, which unites people on the basis of elements of culture that have the same essence. Under the influence of globalization, certain characteristics of the crowd can be observed in a certain part of society members. The crowd shares some cultural aspects, values, ideals and aspirations. Globalization and popularization of culture occurs at the expense of nationalism and individuality. Such are the conflicting features of popular culture.

Global culture is not exactly mass culture. The essence of the global culture, which is formed as a result of globalization, which is taking place objectively without the artificial intervention of subjects in a natural way, differs from the mass culture described above. Global culture is a rich new quality culture born as a result of the interaction and synthesis of the cultures of different countries and nations, and it serves the development of all nations.

Popular culture also restricts the penetration of the progressive culture of the West that serves the development of other nations. Because the mass global culture accepted by many people is being accepted as the true Western culture. People are not always rationally able to distinguish the essence of mass culture from the high and complex nature of Western culture.

Popular culture does not only carry negative potential. It develops and spreads quickly within the framework of mass culture, such as language, folklore, folk oral creativity, and some forms of public art, which are important in the formation of the nation .

The danger of mass culture is that, because it is mass, it has more influence than national culture. This is due to the fact that people encounter elements of popular culture every day and almost every minute in their daily lives, and the ease with which popular culture is accepted. There are more means and ways of spreading popular culture than national culture. Moreover, its "ease", that is, it does not require excessive observation and rationality from a person, allows such a culture to take a faster and wider place in the human mind and psychology.

In the words of José Ortega-i-Gasset, one of the characteristics of modern history is that the masses, rather than nations, play a role on its stage . And mass consciousness is a consciousness that has a more global character. So, the reflection of popular culture is done through a more global consciousness. Global consciousness is characterized by mass. Because of this, it is a largely unconscious mind, a mind that follows the crowd as a result of inertia.

References:

1. Bol'shakov, O.G. (ed.) (1982) Ocherki istorii arabskoj kul'tury V-XV vv. [Essays on the history of Arab culture of the V-XV centuries. The main edition of oriental literature]. Moscow: Nauka.

2. Lebon, G. (1995) Psihologiya narodov i mass. [Psychology of peoples and masses]. Sankt-Peterburg: Maket.

3. Frejd, 3. (1992) Massovaya psihologiya i analiz chelovecheskogo “YA” [Mass psychology and analysis of the human “I”]. In: Po tu storonu principa udovol'stviya. [Beyond the principle of pleasure]. Moscow: Izdatel'skaya gruppa “Progress”, “Litera”.

4. Ortega y Gasset, J. (1991) Vosstanie mass [Revolt of the masses]. In: Estetika. Filosofiya kul'tury. [Aesthetics. Philosophy of culture]. Moscow: Iskusstvo.

5. Filosofiya i kul'tura: XVII Vsemirnyj filosofskij kongress: problemy, diskussii, suzhdeniya (1987) [Philosophy and culture. XVII World Philosophical Congress: problems, discussions, judgments]. Moscow: Nauka.

6. Yuldasheva, F. Philosophical aspects of modernization. [Online]. URL: https://www.ilmiy-xabarnoma.uz/article/338109498910/abstract. (Date of access: 05.05.2022)

7. Azizov, S. (inter.) (2004) Yaponlarni hamma biladi. / Yaponiyaning O‘zbekistondagi Favqulodda va muhtor elchisi janob Akio Kavata bilan suhbat [Everyone knows the Japanese. Interview with Ambassador Extraordinary and Plenipotentiary of Japan to Uzbekistan Mr. Akio Kawata. Thought]. No 3. Pp. 34-45.

8. Ivin, A.A. (2000) Filosofiya istorii [Philosophy of history]. Moscow: Gardariki.

9. Aminova, M., Rozigulova, M. (2016) *Globallashuv asoslari* [Fundamentals of globalization]. Tashkent: Fan va texnologiya.

10. Yatsenko, M.P. (2011) Globalizaciya kak forma organizacii istoricheskogo processa: sushchnost' i problem [Globalization as a form of organization of the historical process: essence and problems]. *Professional'noe obrazovanie v sovremennom mire.* No. 1. Pp. 54-59.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ЮЛДАШЕВА Фарида Хўжамқуловна – фалсафа фанлари доктори, Андижон давлат университети Фалсафа кафедраси мудири, доцент. E-mail: adu_yuldasheva@mail.ru